

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2012 йил, 22 июнь • № 24 (889)

ЗАМОНАВИЙ ВА КЎРКАМ ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

Фахр билан айтишимиз муҳимки, республика соғлиқни сақлаш тизимига давлатимиз раҳбари томонидан қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик боис, юртимизда замонавий тиббиёт масканларининг барпо этилаётганлиги ва уларнинг янги технологиялар ҳамда малакали кадрлар билан таъминланаётганлиги аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш баробарида халқимизнинг тиббиётга бўлган ишончини янада орттирмоқда.

Дарҳақиқат, Инвестиция дастурлари доирасида 2009 йилдан бошлаб республикамиздаги тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги объектлар қуриш ва ишга тушириш бўйича кенг қўламда ишлар олиб борилмоқда.

Фойдаланишга топширилган объектлар қаторида Республика фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика перинатал маркази, Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари, Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ, Кегейли, Тўрткўл, Қашқадарё вилояти Қамаш, Самарқанд вилояти Қўшрабод, Хоразм вилояти Янгиариқ туман тиббиёт бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Сурхондарё вилояти болалар сил касалликлари санаторийлари, Фарғона ва Наманган вилоятлари, Жиззах вилояти Зомин туман ДСЭНМ бинолари, Тошкент шаҳар туғруқ комплекси, Қўқон шаҳридаги 3 та, Наманган шаҳридаги 2 та оилавий поликлиника, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Бухоро вилоятлари ОИТС марказлари, намунали уй-жой қуриш дастури доирасида 20 та қишлоқ врачлик пунктларининг борлиги таҳсинга лойиқдир.

Жорий йилнинг 22 июнь куни пойтахтимизда юқорида таъкидлаб ўтилган Инвестиция дастури доирасидаги фаолиятларга бағишланган «Мамлакатимизда замонавий тиббиёт масканларини барпо қилиш йўлида эришилган ютуқлар ва истиқболдаги режалар мавзусида»ги семинар бўлиб ўтади.

(Мазкур семинар тафсилотлари билан газетамизнинг кейинги сонидан танишасиз).

Суратда: Республика перинатал марказининг ташқи кўриниши.



«Хамшира – 2012»: Наманган вилояти

БИЛИМ, МАҲОРАТ ВА КАСБИЙ КЎНИКМА УЙҒУНЛИГИ



Кун сайин чирой очиб, ажиб тароватга бурканаётган гуллар шаҳри Наманган эндиликда юртимиз миқёсидаги кўплаб нуфузли анжуман ва тадбирларга мезбонлик қилмоқда. Шу йил 14-16 июнь кунлари бўлиб ўтган «Хамшира – 2012» республика кўрик-танловининг якунловчи босқичи ҳам бунинг ёрқин ифодасидир.

Хамшира... Бу масъулиятли ва шарафли касб соҳибаларининг беминнат хизматидан баҳраманд бўлмаган киши топилмаса керак. Қалби дарё, беморлар дардига малҳам бўлаётган, тунларни тонгларга улаб тиним билмайдиган саломатлик посбонларининг фидоийлигига тан берсак арзийди албатта. Шуни алоҳида эътироф этиш муҳимки, уларнинг касбий маҳорати ҳамда фаоллиги тобора ошиб бормоқда.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш-ни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги 3923-сонли Фармони ҳамда 2 октябрдаги «Республика тиббиёт муас-

сасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-700-сонли, шунингдек, 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1096 сонли ва 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги ПҚ-1144-сонли, 2012 йил 17 февралдаги «Мустаҳкам оила йили Давлат дастури

(Давоми 2-бетда).

«Хамшира – 2012»: Наманган вилояти

БИЛИМ, МАҲОРАТ ВА КАСБИЙ КЎНИКМА УЙГУНЛИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

тўғрисида»ги ПК-1717-сонли Қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда «Соғлом она – соғ-

қоидаларига риоя қилиш, касалликни ташхислаш давомидаги муомала маданияти ва биринчи ёрдам кўрсатиш ҳакамлар ҳайъати ҳамда кузатувчилар томони-

фаолиятида муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида эътироф этдилар. Танлов иштирокчилари номидан Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси ҳамшираси С. Низаметдинова самимий қабул учун вилоят ҳокимлиги ва барча ташкилотчиларга самимий миннатдорчилик билдирди.

16 июнь куни Алишер Навоий номли вилоят мусикали драма ва комедия театрида Республика «Хамшира – 2012» кўрик-танловининг финал босқичи бўлиб ўтди. Тадбирда вилоят ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Баҳодир Юсупов, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўринбосари, Республика бош давлат санитария вазири Сайдумурод Сайдалиевлар иштирок этиб, ғолиблик учун даъвогарлик қилаётган

лар моҳияти тўғрисидаги билимларини синовдан ўтказдилар.

Бешинчи шарт эркин мавзуда бўлиб, иштирокчилар ўзларининг жозибали рақс, дилга ором

ши, 3-ўринни эгаллаган иштирокчига эса «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан қиммат-



лом бола» дастурини амалиётга жорий этишда ҳамшираларнинг ҳам меҳнатлари бекиёс бўлаётганлигини айтиб ўтиш жоиздир.

Дарҳақиқат нуфузи йилдан-йилга ошиб бораётган «Хамшира» кўрик-танлови қарийб ўн етти йилдирки анъанага айланган ҳолда республикамиз тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган ҳамшираларнинг билимдонлиги ҳамда касбий маҳоратларини намойиш этиб келмоқда. Жорий йилдаги «Хамшира – 2012» кўрик-танлови Наманган вилоятида ўзгача шуқу ва кўтаринки кайфиятда ўтказилиб, унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг тиббиёт муассасаларидан ташриф буюрган 14 нафар ҳамширалар ўзаро беллашдилар.

Мазкур танлов Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Наманган вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Марказий Кенгаши, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамкорлигида ўтказилди. Тадбир давомида иштирокчилар назарий, амалий, сиёсий билимлари ва ноёб истеъдодларини намойиш этиш билан



дан инobatга олиб борилди.

Шунингдек, кўрик-танлов қатнашчилари вилоятдаги «Мотамсаро она» ҳайкали пойига гуллар қўйиб, эл-юрт озодлиги ва равнақи йўлида жон фидо қилган ватандошларимизнинг порлоқ хотирасини ёдга олдилар. Кўрик-танлов олди иштирокчилар Наманган вилоят ҳокими қабулида бўлдилар. Қабул маросимини вилоят ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Баҳодир Юсупов кириш сўзи билан очиб, давлатимиз раҳбари раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар самараси боис, аҳолига малакали тиббий хизмат



барча қатнашчиларга омадлар тилашди.

Юқори малакали мутахассислардан таркиб топган ҳакамлар ҳайъати томонидан танлов иштирокчиларининг шартлар бўйича чиқишлари кузатиб борилди. Иштирокчилар аввало «Хамшира ташрифи» шартига мувофиқ касби, шаҳри, вилояти, хизмат қилаётган жамоаси, у ерда бўлаётган ўзгаришлар, амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида шеърли чиқишлар қилдилар. Иккинчи шарт бўйича эса, уларнинг назарий билимлари синалди. Фахрланса арзийдики, ҳамширалар ўз соҳасининг билимдони эканлигига барча гувоҳ бўлди.

Учинчи шарт, яъни амалий билимлар якуни бўйича ҳакамлар ҳайъати аъзоси, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари, Олий Мажлис Сенати аъзоси Елена Борисова изоҳ бериб ўтди.

Тўртинчи шарт ижтимоий-сиёсий билимларга доир бўлиб, унда иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлар, давлат рамзлари, тарихни қай даражада билишлари, ҳуқуқий демократик давлат қуриш мақсадида мамлакатимизда ўтказилаётган туб ислохотлар, хусусан соғлиқни сақлаш соҳасида кечаётган ислохот-

бахш этгучи кўшиқлар ҳамда саҳна кўринишлари билан ноёб истеъдодга эга эканликларини намойиш этиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлдилар.

Ва ниҳоят орзиқиб кутилган фурсат келди. Ҳакамлар ҳайъати якуний натижани эълон қилди. Унга кўра Наманган шаҳар болалар шифохонаси ҳамшираси Нодира Шералиева 1-ўрин, Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси ҳамшираси Саодат Низаметдинова 2-ўрин, Сирдарё тумани тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси

баҳо совғалар топширилди. Номинациялар бўйича муваффақиятга эришган қатнашчиларга Соғлиқни сақлаш вазирлиги дипломлари ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

Бир сўз билан айтганда, ниҳоятда кўтаринкилик кайфиятида ўтган Республика «Хамшира – 2012» кўрик-танлови юртимиз тиббиёт муассасаларида астойдил меҳнат қилаётган ҳамшираларимизнинг билимдон, зукко ҳамда ўз касбларига бўлган иштиёқлари билан эканлигини кўрсата олди десак, янглишмаймиз. Зеро, ҳамширалар ўртасидаги ўзаро беллашув рақобат тарзида эмас, балки самимий дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаб, ноёб истеъдод эгаларининг касбий маҳорати нечоғлиқ юқори эканлигини юзга чиқарди десак, муболага бўлмайдди. Кўрик-танлов иштирокчилари ҳамда ҳайъат аъзолари, қолаверса, ҳамшираларни қўллаб-қувватлашга келган томошабинлар билан суҳбатда бўлар эканми, уларнинг танлов тўғрисидаги самимий фикрларидан шуни англадикки, Юртбошимизнинг ҳамширалар меҳнатига бўлган эътибор ва ғамхўрликларини туфайли мамлакатимизда ҳамширалик иши



бир қаторда, гуллар шаҳри бўлиши Наманган вилоятининг диққатга сазовор жойларида бўлиши.

14 июнь куни 14 нафар худудий босқич ғолибалари Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалида амалий билимларини, яъни ҳамширалик ишининг энг мураккаб жараёнларида синовдан ўтдилар. Шуниси эътиборлики, қабулга келаётган ҳар бир беморга иштирокчилар томонидан биринчи ёрдам кўрсатилди. Айтиш муҳимки, амалиёт жараёнида ҳамширалардаги эпчиллик ва чаққонлик, шунингдек, санитария-гигиена, асептика-антисептика

кўрсатиш даражаси юксалиб бораётганлигини таъкидлади. Машаққатли касбини ардоқлаб, эл саломатлигини мустаҳкамлашда юқори натижаларга эришаётган кўрик-танлов иштирокчиларига омадлар тилаб, уларга эсдалик совғаларини тўхфа этди. Сўнгра, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўринбосари, Республика Бош давлат санитария вазири Сайдумурод Сайдалиев, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари, Олий Мажлис Сенати аъзоси Елена Борисовалар сўзга чиқиб, мазкур кўрик-танловнинг асосий мақсади ҳамда мазмун ва моҳияти ҳамширалар



Холида Қурбонова эса 3-ўринга муносиб деб топилган бўлсалар, танловнинг қолган иштирокчилари 11 та номинация бўйича лауреатликни қўлга киритдилар. 1-ўрин соҳибасига Наманган вилояти ҳокимлиги, 2-ўрин ғолибасига Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Марказий Кенга-

ўз мавқеига эга бўлиб бормоқда. Шундай экан, юртимиз шифо масканларида меҳнат қилаётган қалби пок, меҳрибон ва чаққон ҳамшираларимизнинг халқимиз саломатлиги йўлидаги масъулиятли ишларига ривожлар тилаб, оилаларига осойишталик ёр бўлишини истаб қоламиз.

Шу ўринда кўрик-танлов иштирокчилари ва қатнашчилари Наманган вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Марказий Кенгаши, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамда Наманган вилояти аҳлига ўз миннатдорчиликларини билдириб қолади.

Ибодат СОАТОВА, Абдулла ҲОЗИЕВ.
Суратлар муаллифи Ибодат СОАТОВА.

Анжуман

ЯНГИЛИКЛАРГА ИЛҶОМЛАНТИРУВЧИ ТАДБИР

Жорий йилнинг 15-16 июнь кунлари пойтахтимизда Ўзбекистон травматолог-ортопедларининг VIII съезди бўлиб ўтди. Травматология ва ортопедиянинг долзарб муаммоларига бағишланган мазкур анжуманда юртимизнинг етакчи мутахассислари билан бир қаторда Австрия, Германия, Швеция, Индонезия, Ҳиндистон, Бангладеш, Россия Федерацияси, Украина, Беларусь, Озарбайжон ва қўшни ҳамдўстлик мамлакатлари Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистондан жуда кўп таниқли олимлар иштирок этишди.

Анжумани Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А. Алимов кириш сўзи билан очиб, мамлакатимизда кенг қўламда олиб борилаётган ислохот жараёнларининг барчаси энг аввало инсон оми-

мунали ташкил этилгани, энг мураккаб саналган оғир аралаш жароҳатларни юқори савияда даволаш муваффақиятли ҳал этилганини айтиб, жумладан шундай деди:

– Сўнгги йилларда республикаимизда мавжуд тиббий ама-

булиб ўтган II секция мажлиси “Болалар травматологияси ва ортопедияси муаммолари” мавзусида бўлиб, унда 30 га яқин бири-бирдан қизиқарли маърузалар қилинди. Айниқса, машҳур А. Илизаров номли илмий марказ профессори М. Тепленьскийнинг “Болаларда туғма сон чиқишини аппарат билан даволаш”, минсклик олим О. Соколовскийнинг “Болалар ва катталарда тос суягининг уч ёклама остеотомияси”, Республика травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти олимлари, профессор И. Ходжанов, А. Қосимовларнинг “Болаларда узун суякларнинг қайта синишларини даволашнинг натижалари” сингари жуда кўплаб маърузалар тингловчилар томонидан яхши баҳоланди.

Съезд давомида юртимиз мутахассислари ҳамда хорижий давлатлардан ташриф буюрган соҳа вакиллари билан суҳбатда бўлди:

А. КАРЛБАУЭР, профессор (Австрия):

– Серкўёш Ўзбекистонга иккинчи бор келишим. Самимий ва меҳмондўст, меҳнатқаш ва илмли халқингизга меҳрим баланд. Мамлакатингизда аҳоли саломатлигига кўрсатилаётган эътибор бутун дунёда тан олинган. Айниқса, “Соғлом она – соғлом бола” дастури умуммиллий ҳаракатга айланганлиги қувонарли ҳолдир. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, Бутунжаҳон травматолог ва ортопедлари ташкилоти томонидан ватанингизда мазкур соҳада олиб борилаётган изланиш ва тадқиқотлар ижобий баҳоланиб, қўллаб-қувватланган. Институт жамоасининг фаолияти ва илмий салоҳиятига ҳавас қилса арзийди.

А. РЕУТОВ, профессор (Россия, Екатеринбург):

– Тошкент анжуманини бутун дунё травматолог ва ортопедларининг катта байрамига қиёслагим келди. Шу соҳада турли изланишлар олиб бораётган етакчи олимларнинг қатнашуви эса ушбу съезднинг халқаро тадбирлигини исботлаб турибди. Жаҳондаги ҳар бир давлат ҳам бундай катта илмий съездни ўтказишга жазм қилавермайди. Фақатгина соҳа бўйича қандайдир янгиликлар қилиниб, ўзгаларга ибрат бўла оладиган тажрибалар амалга оширилгандагина шундай анжуманга ҳамфиқрлар чорланади. Демак, ўзбек олимлари травматология ва ортопедияда илғор даволаш усуллари қўллашга, изланишлари дунё андозаларига тўғри келади. Шундай ҳамкасбларим билан тажриба алмашиш имкони туғилганидан хурсандман. Анжуманда “Катталарда оёқ мучалари катталигини А. Илизаров аппарати билан даволаш” мавзусидаги маърузам билан қатнашдим.

А. КОСТРУБ, профессор (Украина):

– Украина травматолог ва ортопедлари ассоциациясининг бош директори сифатида мамлакатимиз етакчи олимлари, профессорларидан иборат делегациямиз номидан айтмоқчиманки, ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан кўп йиллардан буён ўзаро ҳамфиқримиз. Инсти-

тутингизда фаолият юритаётган кўпгина мутахассислар Харьков ва Киевдаги клиникаларимизда бўлишган. Ўз навбатида бизнинг вакилларимиз ҳам Тошкентда малака ошириб қайтишган. Травматология ва ортопедиядаги долзарб муаммоларга бағишланган бир қатор маърузалар билан иштирок этдик. Жумладан, “Спортчиларда тизза бўғими тоғайини тиклаш” мавзусидаги маърузам билан чиқиш қилдим. Фурсатдан фойдаланиб, мазкур соҳадаги билим ва тажрибаларни ўзаро ўртоқлашиш учун шундай шароит яратган, ушбу анжумани ташкил этган ва ўзининг 80 йиллигини нишонлаёт-

маълум маънода сарҳисоб қилади. Бизнинг вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида травматология ва ортопедия бўлими ташкил этилиб, аҳолига малакали хизмат кўрсатилган. Республика травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти билан ҳамкорлигимиз тўғри йўлга қўйилган бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган даволаш ва жарроҳлик муолажалари вилоятимизда ҳам олиб бориляпти. Сон суягининг туғма чиқиши, сколиоз, кўкрак қафаси деформациялари, шунингдек, бошқа туғма ва орттирилган деформацияларнинг жарроҳли-



ли учун хизмат қилишини таъкидлаб, бу давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши эканлигини айтиб ўтди. Шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимида Республика травматология ва ортопедия илмий-текшириш институтининг муносиб ўрни борлиги ва ҳар тўрт йилда ўтказиладиган мазкур халқаро анжуман ушбу даргоҳ етакчи олимларининг илмий салоҳияти, замонавий билим ва илғор тажрибаси дунё миқёсида ҳам тан олинаётганлигининг ёрқин далили дея эътироф этди. Қувонарлиси, бугунги анжуман мазкур институтининг 80 йиллик тантаналарига тўғри келганини айтиб, вазирлик номидан илм даргоҳининг барча ходимларини мазкур сана билан табриклаб, узок йиллар мобайнида фидокорона меҳнат қилган бир гуруҳ мутахассисларга вазирликнинг махсус совғаларини топширди. Шунингдек, Россия, Украина, Австрия, Беларусь ҳамда қозоғистонлик бир гуруҳ хорижий делегация вакиллариининг институти фаолияти тўғрисидаги эътирофли фикрлари тингланди.

Республика травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти директори, профессор М. Азизов “Ўзбекистонда травматология ва ортопедия илмининг ривожланиши” мавзусида маъруза қилиб, мустақиллик йилларида мазкур соҳанинг ҳар томонлама ривож топишида, кадрлар илмий потенциалининг тинимсиз ўсишида давлат ва ҳукумат томонидан чиқарилган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган бир қатор фармон ҳамда қарорларининг аҳамияти катта бўлганини таъкидлади. Мамлакатимизда аҳолига тез тиббий ёрдам тизими на-

лиётда суяк ва бўғим патологияси касалликларини даволаш ва аниқ ташхис қўйишда энг замонавий диагностика усуллари қўлланиляпти. Компьютер ва магнит резонанс томографияси, ультратовуш аппаратлари, йирик бўғимларни энтопротезлаш, транспедикуляр фиксация, остеосинтез каби мураккаб усуллардан унумли фойдаланиш тана жароҳати касалликларини сифатли даволашга имкон бермоқда. Институтиимиз “аср касаллиги” деб тан олинган остеопорозни ўрганиш ва даволаш бўйича республикаимизда етакчи ташкилот саналади. Рентгеноденситометрия, доплерография, компьютер подометрияси сингари замонавий аппаратураларда ташхис қўйиш усуллари илмий марказимизда кенг татбиқ этилмоқда. Илмий ходимларимиз хорижий давлатларнинг етакчи клиникаларида ўз малакаларини ошириб келишяпти. Буларнинг барчаси Президентимиз, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг эътибори туфайли институтиимизни энг замонавий илмий даргоҳга айлантириш йўлидаги сўй-ҳаракатлари натижасидир. Масалан, жорий йилнинг ўзида илмий-текшириш институтиимизга 1,5 миллион доллар миқдорда маблағ ажратилди. Уларга МСКТ, МРТ каби энг сўнгги русумдаги рақамли рентген аппаратлари сотиб олиш режалаштирилган.

Куннинг иккинчи ярмида “Туркистон” саройи ва “Пойтахт” бизнес маркази залларида 10 дан ортиқ секция мажлислари ўтказилди. Уларда чет эллик, маҳаллий олим ва тадқиқотчилар томонидан тайёрланган 200 дан зиёд маърузалар тингланди. Шуниси эътиборлики, ҳар бир секция мажлиси маълум бир мавзуга бағишланди. Масалан, “Пойтахт” бизнес марказининг “Navoi” анжуманлар залида

ган институт аҳил жамоасининг бундан кейинги ишларида омад тилайман. Ҳамкорлигимиз бундан ҳам ривожланиши тарафдориман.

М. РИЗОМУҲАМЕДОВА, профессор (Тошкент тиббиёт академияси):

– Халқаро анжуманда қатнашаётганимдан фахрланаман. V секция мажлиси “Замонавий тиббиётда остеопороз муаммоси” мавзусига бағишланди. Унда Бошқирдистон Давлат тиббиёт университетидан Т. Минасовнинг “Остеопороз ва сурункали оғриқнинг ортопедик жиҳатлари”, Тошкентдаги Акушерлик ва гинекология марказидан Д. Азизованинг “Менопаузал ёшдаги аёлларда – остеопороз”, екатеринбурглик О. Кузнецованинг “Оёқ суякларини синиб битмаган беморларда имобилизация остеопорознинг тарқалиши” каби кўплаб маърузалар тингланди. Анжуман иштирокчилари томонидан “Остеопороз – замонавий тиббиётда ихтисосликлараро муаммо” мавзусидаги маърузам яхши кутиб олинди. Мухими, ҳар бир олимнинг чиқиши қизиқарли мунозара ва муҳокамаларга сабаб бўлди. Ҳар қандай фаннинг ривожига эса ана шундай анжуманлар, ўзаро фикр алмашувларга ҳам боғлиқдир.

К. ДАВЛЕТОВ, доцент (Хоразм):

– Бундай анжуманга келган иштирокчи аввало ўзининг соҳадаги билим ва тажрибаларини

ўтказиляпти. Анжуман давомида замонавий даволаш усуллариини ўрганиб, вилоятимиз аҳолисига янаям сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқчимиз.

М. ИРИСМЕТОВ, т.ф.н. (Республика травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти):

– Мазкур анжуманлардан жуда кўп нарсани ўрганиш мумкин. Масалан, ўтган съездиимиздан хулоса чиқариб шуни айтиш муҳимики, амалиётга янгича усуллари киритишга муваффақ бўлди. Мисол учун олдин катта кесимлар билан жарроҳлик қилинарди. Ҳозир кичик кесим билан катта операцияларни амалга оширяпти. Спорт-травма бўлимининг илмий раҳбари сифатида шуни айтишим мумкинки, илгари спортчиларни бир ойда саломатлигини тиклаётган бўлсак, ҳозир травмадан сўнг беш кун ўтиб у яна иш фаолиятини бошлашига эришдик. Бунда бизга энг илғор даволаш усулларида қўлланилаётган артроскоп аппарати ёрдам беряпти. Унинг ёрдамида барча жарроҳлик муолажаларини бажариш мумкин. Яна бу иш жараёни дискка ёзиб борилади. Зарур пайтда ундан фойдаланиш мумкин. Ёки блокловчи остросинтез усулини олайлик, у кам ҳажмдаги операцияни талаб қилади. Кесим кичкина бўлган ҳолатда суяклар бири-бирига остеосинтез усулида ёпиштирилади. Асоратлар камаяди.

Ҳа, Ўзбекистон травматолог ва ортопедларининг VIII съезди қатнашчиларининг қай бири билан суҳбатлашманг, унинг аҳамияти тўғрисида ана шундай фикрларни эшитасиз.

Бўлиб ўтган анжуман сўнггида қўрилган асосий масалалар бўйича тавсия ва таклифлар ҳисобга олиниб, резолюция қабул қилинди.

Ҳафиза КУРДАШЕВА, Диёра БОЗОРОВА.

Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

Матбуот анжумани

САМАРАЛИ ФАОЛИЯТЛАР

Миллий матбуот марказида «Дори-дармон» акциядорлик компанияси вакиллари билан оммавий ахборот воситалари ходимларининг учрашуви бўлиб ўтди.



Тадбирни Компания бошқаруви раисининг ўринбосари О. Ходжиметов кириш сўзи билан очиб, соҳадаги мавжуд ютуқ ва камчиликларга ҳолисона баҳо берди ва компания таркибида 8 та акциядорлик жамияти, 10 та шўъба корхона мавжудлиги, тизимда 17 та дорилар омборхонаси, 15 та назорат-таҳлил лабораторияси ҳамда республикамизнинг барча ҳудудларида жами 1220 та дорихона муассасалари фаолият кўрсатаётганлигини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, дорихона муассасаларининг 877

таси, яъни 72 фоизга яқини қишлоқ жойларида, шу жумладан, 698 та дорихона шахобчалари қишлоқ врачлик пунктлари қошида жойлашганлиги аҳоли учун қулайликлар яратаётганлиги ҳам йиғилиш давомида айтилди. Бундан ташқари, чекка ҳудудлардаги аҳолини дори воситалари билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида ҳукуматимизнинг топшириғига мувофиқ, 2010 йилдан бошлаб маҳсус жиҳозланган "ISUZU" русумли изотермик автофургонларда 14 та кўчма дорихоналар фаолияти йўлга қўйилди. Шунинг таъ-

кидлаш лозимки, «Дори-дармон» акциядорлик компанияси ва унинг ҳудудий бўлиналари Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларининг ҳам асосий таъминотчиси.

Тадбир давомида сўзга чиққанлар «Дори-дармон» акциядорлик компанияси фаолиятларининг ибратли ишлари хусусида ўз фикрларини билдириб, аҳолига етказиб берилаётган сифатли дори-дармонлар ҳамда уларнинг эришаётган ютуқлари тўғрисида гапирдилар. Шунинг айтиши жоизки, компания Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш Давлат қўмитаси томонидан «2011 йилда энг яхши листинг компанияси» номинацияси бўйича диплом билан тақдирланди. Бир сўз билан айтганда, «Дори-дармон» акциядорлик компанияси ўз олдида қўйган вазифаларни сикдикдилдан бажараётгани учун республикамиз фармацевтика бозорида етакчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Тадбир давомида оммавий ахборот воситалари ходимлари мутахассисларга саволлар билан мурожаат этиб, тўлақонли тарзда жавоб олдилар.

КЕЛАЖАК АВЛОД
БАРКАМОЛЛИГИ УЧУН

Жорий йилнинг 18 июнь куни Республика миллий матбуот марказида «Она ва бола саломатлигини мустақамлаш, соғлом авлодни шакллантириш» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда мутасадди ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари А. Камиллов кириш сўзи билан очиб, юртимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича амал-

лаш, болаларни эмлаш, касалликларнинг олдини олиш, аҳоли, аynиқса, фертил ёшдаги аёллар, болалар ва ўсмирларни соғломлаштириш, ҳомилдор аёлларни эрта муддатларда назоратга олиб, мик-

лар ўз фикрларини билдириб, репродуктив саломатлик, соғлом оилани шакллантириш, баркамол авлодни вояга етказиш ва соғлом турмуш тарзи бўйича вазирлик тизимида олиб борилаётган ишлар тўғрисида гапириб ўтдилар. Бунинг баробарида аҳоли орасида тарғибот ва ташвиқот ишлари кучайтирилгани боис, соғ-



га оширилаётган фаолиятлар хусусида гапириб ўтди.

Тадбирда Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази директори М. Каттахўжаева ўз маърузасида ҚВПларнинг репродуктив саломатликни мустақамлашдаги асосий вазифаларидан бири соғлом оилани шакллантиришга кўмаклашиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсат-

ронутриентлар билан ўз вақтида таъминлаш каби масалаларга алоҳида урғу қаратди.

Тадбир давомида Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббий маркази, перинатал ҳамда скрининг марказлари тизими яратилганлиги ҳам алоҳида тилга олинди.

Мавзу доирасида мутахассис-

лом онадан соғлом фарзандлар дунёга келаётганлиги эътироф этилди.

Тадбир сўнгида журналистлар мутахассисларга саволлар билан мурожаат этиб, муҳим маълумотларга эга бўлдилар.

Диёра БОЗОРОВА.
Суратлар муаллифи
Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

Эътироф

Бугунги кунимизни матбуот-сиз тасаввур эта олмаймиз. Ўз номи билан айтганда матбуот бу ҳаётимиз кўзгусидир. Шундай экан, юртимизда қалам тебратаётган журналистларимиз фаолияти қанчалик машаққатли эканлигини барчамиз яхши биламиз. Президентимизнинг соҳа мутахассислари меҳнатини қўллаб-қувватлашлари ижодкор аҳлини

янада кўтаринки кайфият билан ишлашида асосий ўринга эга бўлаётти десак, янглишмаймиз...

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг нашри бўлмиш «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетаси савиясининг ошишида фаол муаллифларимиздан Т. Азлархонов, С. Мухаммадиев, А. Тоҳирий, Л. Волошина,

Н. Ветасова, Р. Мамадалиев, О. Узоқов, А. Ғозиев, Т. Ҳрозалиев ҳамда А. Акбаров, А. Попов (фотомухбир) меҳнатларини алоҳида тилга олсак арзийди. Фурсатдан фойдаланиб, юртимиздаги оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан қутлаб, уларга ижодий баркамоллик тилаб қоламиз. Таҳририят.

Тадбир

АЁЛЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА



Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамкорлигида «Ўзбекистонда бачадон бўйни ракиннинг олдини олиш долзарб масалалари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда аёллар ва ўсиб келаётган ёш авлод саломатлигига қаратилган эътибор боис, муҳим дастурлар асосида ибратли ишлар амалга ошириляпти. Халқаро олимлар иштирокида ўтган навбатдаги конференцияда бачадон бўйни раки онкологик касалликлар ичида олтинчи ўринда эканлиги айтилиб, унинг олдини олиш борасида қилинаётган ишлар таҳлил этилди. Конференциядан кўзланган асосий мақсад, мазкур касал-



ликни бошланғич даврида аниқлаб, тўғри ташхис қўйиш ва даволаш ишларига катта эътибор қаратишдан иборат бўлди. Шунингдек, кенг жамоатчилик ўртасида онкологик касалликларнинг олдини олишда тарғибот ишларини кучайтириш муҳимлиги айтилди. Нодавлат ташкилотлари – Фонд Форум, «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси, UNFPA томонидан бачадон бўйни ракиннинг олдини олиш ва даволаш ишларига катта ёрдам берилаётгани таъкидланди.

Ишонч билан айтиш жоизки, ана шундай тадбирлар сабаб мамлакатимизда бачадон бўйни раки касалликлари сони камайиб, унинг олди олинди, аёллар саломатлиги мустақамланади.

Муҳаррам БОЗОРОВА.

Саломатлик ҳафталиги

ИМКОНИЯТЛАРДАН АҲОЛИ МАМНУН

Самарқанд вилояти туман ва шаҳарларида «Мустақам оила йили» Давлат дастури доирасида саломатлик ҳафталиклари ўтказилмоқда.

Аҳолини, хусусан, қишлоқда яшовчи фертил ёшдаги аёллар, болалар ва ўсмирлар ҳамда ногиронларни малакали мутахассислар томонидан чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш, уларга зарур тавсия ва маслаҳатлар бериш мақсадида ташкил этилган навбатдаги тадбир Қўшработ туманида ўтказилди.

Мазкур ҳафталикка вилоятдаги тиббиёт муассасаларидан терапевт, акушер-гинеколог, педиатр, невропатолог, окулист, эндокринолог каби мутахассислар жалб этилди. Улар ҳафта давомида туман аҳолисини тиббий кўриқдан ўтказдилар. Шунингдек, ногирон ва беморлар саломатлиги уларнинг хонадонларида текширилиб, зарур муолажалар тайинланди.

– Саломатлик ҳафталиги кунларида туманимиз бўйича 4 минг 400 нафарга яқин аҳоли замонавий тиббий жиҳозлар ёрдамида кўриқдан ўтказилди, – дейди туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Мустафо Сирлибоев. – Текширувлар жараёнида хасталиги аниқланган фуқаролар вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, шунингдек, мавжуд тиббиёт муассасаларида даволанадиган бўлишди. Бундан ташқари, амбулатория шароитида саломатлигини тиклаш учун фуқароларга тегишли йўлланма ва тавсиялар берилди.

Ҳафталик давомида аҳоли ўртасида оилада тиббий маданиятни юксалтириш, соғлом турмуш тарзи асослари, оналик ва болалик муҳофазаси хусусида тушунтириш ишлари олиб борилди.

Ғ. ҲАСАНОВ, ЎЗА.

Бугуннинг мавзуси

РОГУН ГЭСИ ҚУРИЛИШИ ҲАЛОКАТЛИ
ОҚИБАТЛАРГА ОЛИБ КЕЛИШИ МУҚАРРАР

Мустақил халқаро экспертларнинг хулосаси шундай

Дунёнинг турли мамлакатлари олим ва мутахассислари томонидан Тожикистонда, Амударёнинг юқори оқимида йирик гидроэнергетика иншоотининг қурилиши натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларни ўрганиш давом этмоқда. Ушбу қурилишнинг минтақада яшаётган аҳоли ҳаёти учун нақадар хавфлилиги яхши маълум, тадқиқотчилар ўз эътиборини фақат бундан катта зарар кўрадиган муайян соҳаларга қаратмоқда ҳамда зарарнинг кўламни баҳоламоқда.

Бунга халқаро сув ресурслари ва экология муҳандислиги академик журналининг сўнгги сонидан Американинг Нью-Мексико ва Шимолий Дакота университетларининг бир гуруҳ тадқиқотчилари томонидан тайёрланган "Роғун гидроэлектростанцияси тўғрисида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига таъсири" деб номланган мақола яққол мисол бўла олади.

Роғун гидроэлектростанцияси қурилиши туфайли юзага келадиган сув тақчиллиги Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига ҳар йили 600 миллион АҚШ доллари миқдорига зарар етказиши, ялпи ички маҳсулотнинг икки фоизга кама-

йиши ва 300 минг кишининг ишсиз қолишига сабаб бўлиши мумкин. Роғун тўғрисида қурилишнинг Ўзбекистон иқтисодиётига кўрсатиши мумкин бўлган таъсирини чуқур таҳлил қилиб чиққан америкалик бир гуруҳ тадқиқотчиларнинг хулосаси шундай.

Тадқиқотчилар Роғун гидроэлектростанцияси сув омбори сувга тўлдирилиб, тўлиқ режимда ишлаб бошлагач юзага келиши мумкин бўлган икки – энг ёмон ва эҳтимолга яқин ҳолатни баҳолаган.

Уларнинг маълумотларига кўра, Роғун сув омборини тўлдириш учун 12,4 йил керак бўлади. Бу даврнинг ўзи катта мураккабликларни келтириб чи-

қариши муқаррар. Чунки, Амударё оқимининг бир қисми тўсилади ва суви мазкур сув омборига йўналтирилади. Олимларнинг фикрича, Роғун ГЭСининг асосий салбий таъсири ёз мавсумида – у сувга тўлдирилиб, қишда суви чиқариб юборилганида айниқса кучаяди.

Роғун ГЭСи электр энергиясини тўлиқ ишлаб чиқариш тартибидеда ишлаган пайтда ёзда Амударёнинг сув сатҳи 18 фоиз камайдми, қиш даврида эса, аксинча, 54 фоиз кўпаяди. Бу эса Ўзбекистонда май-сентябрь ойларида (суғориш мавсумида), яъни муҳим вегетация даврида кескин сув тақчиллиги юзага келиши, сентябрь-майда эса сув кўпайиб, тошқинлар рўй бериши мумкинлигидан далолатдир.

"Бу ҳолат Ўзбекистон иқтисодиётига катта зарар келтиради, яъни 506 минг гектар ерни (суғориладиган майдоннинг қарийб 11 фоизини) қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқариб ташлашга олиб келади. Бу эса

камида 336 минг киши ишсиз қолиши мумкин, демакдир. Натижада Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти 2,2 фоизга қисқаради, давлат даромадлари 6,9 фоизга камайдми ва энг ёмони, иқтисодий ўсиш ҳам пасаяди", деб ёзади америкалик тадқиқотчилар.

Бироқ, Ўзбекистон ўз қишлоқ хўжалигидеда сув истеъмолини камайтиришга доир катта чоралар кўрган тақдирда ҳам, 314 минг гектар суғориладиган майдонни оборотдан чиқаришга тўғри келади. Бунинг натижасида 208 минггача аҳоли ҳаётининг манбалардан узилиб қолади. Мамлакат ялпи ички маҳсулоти 1,4, бюджет даромадлари эса 4,3 фоизга камайдми.

Олимларнинг бу борадаги хулосаси аниқ – Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ соҳалар, умуман мамлакат иқтисодиётига катта зарар етказилади. Яна бир хулоса шундан иборатки, Амударёнинг сув сатҳи қиш даврида кескин кўтарилиб, қуйи оқимда жойлашган

ерлар сув остида қолади. Бу Амударёнинг қуйи қисмида яшовчи аҳоли ҳаётига бевосита катта хавф солади, шунингдек, бинолар, иншоотлар, йўллар, бошқа коммуникацияларнинг вайрон бўлиши, экин майдонлари ва боғлар сув остида қолишига олиб келади.

Яна шунини таъкидлаш жоизки, ушбу тадқиқотда экологик хавфлар, шунингдек, кучли зилзилалар рўй берганида ва баланд тоғда жойлашган тўғри келадиган техноген фалокатларнинг фожиали оқибатлари ўрганилмаган.

Хавфсизликка таҳдид солувчи омиллар турлича баҳоланаётганига қарамай, тадқиқотчилар мазкур шубҳали лойиҳанинг амалга оширилиши Тожикистоннинг ўзига ҳам, дарёнинг қуйи қисмида жойлашган мамлакатларга ҳам, умуман, бутун Ўрта Осиё минтақасига жиддий салбий таъсир кўрсатади, деган бир хил фикрдадир.

ЎЗА.

Мутахассис маслаҳати

САРАТОН ИССИҒИДАН САҚЛАНИҒ

Айни кунларда об-ҳавонинг кескин исиб кетиши натижасида одамларда офтоб уриши ва сувсизлишнинг ҳолатлари тез-тез учрамоқда. Шундай экан, инсон организмнинг муҳим хусусиятларидан бири унинг ташқи муҳит таъсирига мослаша олишидир. Иссиқ иқлим шароитига мослашишда организмни чиниқтириш, вақтида овқатланиш, ҳатто терлашнинг роли катта.

Одам организмидеда моддалар алмашиш жараёнида ҳосил бўладиган иссиқлик узлуксиз ташқарига чиқиб туради. Масалан, мушакларнинг бир кеча-кундуз энгил ишлаши натижасида организмдан уч минг катта калорияга яқин иссиқлик чиқади. Яна бир мисол: одам танасидан кеча-кундузда ажралиб чиққан иссиқлик билан уч тонна ҳажмдаги сув ҳароратини бир даражага кўтариш мумкин.

Инсон организмидеда иссиқлик энергияси ҳосил бўлиши билан бирга айни вақтда уни тарқатиш жараёни ҳам давом этади. Бу эса асосан буғланиш ва терлаш ҳисобига амалга оширилади. Бу борада одам терисининг аҳамияти каттадир. Агар одам териси термос деворига ўхшаб иссиқ ўтказмайдиган хусусиятга эга бўлганида, тана ҳарорати бир соат ичида 1,5 даражага кўтарилиб, 40 соатдан сўнг қайнаш нуқтасига етарди. Организмда тўхтовсиз давом этадиган иссиқ алмашиш жараёни икки соат давомида издан чиқса, саломатликка салбий таъсир этади, натижада тана ҳарорати уч даражага кўтарилиши мумкин. Бундай ҳол узок давом этиши киши саломатлигига пуғур етказиши. Одам кам ёки кўп терлаши бир неча сабаблар – кунлик ҳаво ҳарорати, қуёш нури таъсири, шамол тезлиги, ҳаво намлиги, кийим ранги ва қалин-юпқалиги, иш шароити, ниҳоят, организмнинг ҳолати ва бошқаларга боғлиқ.

Мутахассисларнинг кузатишидан шу нарса аниқландики, ёз фаслида ҳар бир киши ўрта ҳисобда тер билан 4-5 литр сув ва 20-30 грамм ош тузи йўқотар экан. Одам танасидан тер ажралиши ва унинг буғланиши тананинг совишига сабаб бўлади.

Иссиқ ҳаво ва қуёш нури таъсиридан тана қизиб кетиши натижасида қуйидаги ҳолатларни кузатиш мумкин: гипертермия ёки тананинг қизиб кетиши, қуёш уриши, организмнинг турли ҳолатда сув йўқотиши. Бундай кўнгилсиз ҳолатлар вазиятга қараб алоҳида ёки биргаликда содир бўлиши ҳам мумкин.

Гипертермиянинг энгил турида иштаҳа йўқолади, чанқайди, лоҳас бўлади ва уйку босади. Организм ҳарорати кўтарилиб, қон томир уриши ва нафас олиш тезлашади, терлаш кучаяди. Ўртача гипертермияда юқоридаги аломатларга бош оғриши ва айланиши, нафас қисими, тери юзаларининг кўкариб кетиши ҳамда бўшашиши кўшилади. Иссиқ урганда ҳароратнинг кўтарилиши билан бир вақтда беҳушлик, лаблар кўкариши, қон-томир уриши тезлашиб, сўнг сувайган бўлади, терлаш ҳам камайдми, айрим ҳолларда тўхтаб қолиши мумкин.

Қуёш урганда тана ҳарорати озгина кўтарилади. Бошқа клиник белгилар эса иссиқ урганда ўхшаш бўлади. Организмнинг ортиқча сув йўқотиши натижасида «сувга ташналик» ҳолати юз беради. Бунда одам сув ичган сари ичгиси кела-

веради. Танадан ажралаётган тер буғланмай, томчи ҳолатида ажралиб чиқади, натижада организм ҳарорати пасаймайди. Оғир ҳолатларда эса чексиз ташналик, иштаҳа пасайиши, дармонсизлик, қорин-ичак фаолияти бузилиши ва мувозанатни сақлаш қобилиятининг сусайиши юз бериши мумкин.

Юқоридаги ҳолатлар содир бўлганда дарҳол беморнинг иссиқ алмашиш қобилиятини тиклашга ҳаракат қилиш керак. Умуман, ҳамма ҳолларда ҳам беморни юқори ҳарорат ҳамда қуёш нури таъсиридан соя-салқин ерга олиб чиқиш лозим ва эркин ҳаракатни қийинлаштирувчи кийимлардан ҳоли қилиш, сув ичиши, бош ва кўкракка латтани совуқ сувга ҳўллаб бош кўтариш ҳолда босиш зарур. Беморга сув ичиришнинг иложи бўлмаса, тери ости ёки вена қон-томирига шифокорлар ёрдамида физиологик суюқлик юбориш керак. Иссиқ иқлим шароитида серёғ овқатларни бирмунча камроқ, янги сабзавот ва турли мевалардан кўпроқ истеъмол қилиш лозим. Ёз кунлари овқатларни бироз шўртанроқ еган яхши, чунки иссиқ ҳарорат таъсирида тер орқали танадан ош тузи керагидан кўпроқ ажралиб чиқади, бу эса тўқималарнинг ўз таркибидеда суюқликни сақлаш қобилиятини пасайтириб юборади.

Овқатланиш режимида келганимизда, у асосан иш режимида монанд тузилиши лозим. Саратонда кундалик истеъмол қилинадиган овқатнинг асосий қисмини эрталаб ва кечки пайтда ейиш, тушда эса янги сабзавотлардан тайёрланган, ўз таркибидеда етарли оқсилга эга бўлган овқатларни истеъмол қилиш яхши натижа беради. Кун иссиғида кўк чой

ичиш жуда фойдалидир. Турли янги мевалар – олма, ўрик, айникса, олчадан тайёрланган шарбат ва коктейллар ҳам ташналикни яхши қондиради. Ичимликларни эрталаб ва кечкурун тўйгунча ичиш мумкин. Туш пайтида эса ортиқча истеъмол қилиб бўлмайди. Иссиқ иқлим шароитида тўғри кийиниш ҳам саломатлик гаровидир. Турли рангдаги сунъий капрон тўқималар ёки қалин ялтироқ материаллардан тикилган кийимлардан кўра, синовдан яхши тўган оқ матодан, энгил лавсандан тикилган кийимлар иссиқ иқлим шароитида жуда қулай.

Бизнинг иссиқ иқлим шароитимизда саратоннинг энг иссиқ ойларида инсонлар кўзларига офтобдан сақлайдиган кўзойнак тақишлари жуда фойдалидир. Саратон ойларида эркаклар сочини тез-тез устара билан олдириб, бошига офтоб ўтказмайдиган оқ рангдаги энгил бош кийим кийиб юришга одатланиши сочни мустаҳкам қилишнинг муҳим омилларидан биридир.

Саратонда кун режими, шахсий гигиенага амал қилиш лозим. Ёз кунларида барча соҳа кишилари ишни эрта бошлашга, куннинг қизиган вақтида эса дам олишга одатлансалар, меҳнат унумдорлиги яхши бўлиши шубҳасиз. Иссиқ кунларда ишдан кейин илиқ душда чўмилиш ёки ванна қабул қилишга одатланиш организмни чиниқтиришнинг муҳим омилларидан ҳисобланади.

А. ТОҲИРИЙ,
Тошкент врачлар
малакасини ошириш
институтини катта
ўқитувчиси.

Имконият

ИЖТИМОЙ
ҲИМОЯ

Қашқадарё вилоятлараро тиббий меҳнат экспертиза комиссияси жамоаси томонидан ногиронларни реабилитация қилиш, уларни вақтида аниқлаш ишлари изчиллик билан олиб борилмоқда.

Ушбу фаолиятни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг «Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббий меҳнат экспертиза хизмати бошқаруши тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва «Тиббий меҳнат эксперт комиссиялари томонидан фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга, ногиронлик ва касбий меҳнатга лаёқат йўқотилиши даражасини аниқлашга йўналтирилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида қайта ногиронлик 53 нафарга камайдми. Шу билан бирга реабилитация самарадорлиги ҳам салмоқли бўлди. Комиссия томонидан 93 нафар ногирон тўлиқ, 21 нафари эса қисман реабилитациядан ўтказилди.

Даволаш-профилактика муассасалари билан биргаликда касалликлар ва ногиронликни реабилитация қилиш ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида илмий анжуманлар ташкил этилмоқда.

Акбар НОРБОВЕВ,
Қашқадарё
вилоятлараро
38-сонли ТМЭК раиси.

26 ИЮНЬ – БУТУНЖАҲОН ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ

Ўзбекистонда гиёҳвандликка қарши кураш ойлиги давом этмоқда. Бу борада белгиланган режага мувофиқ мамлакатимизнинг барча жойларида профилактика тадбирлари ўтказилмоқда. Бу ишларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази ва унинг ҳудудий комиссиялари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари, маданият, тиббиёт, спорт муассасалари, хайрия жамғармалари, БМТнинг Марказий Осиёда наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг минтақавий ваколатхонаси ҳамда оммавий ахборот воситалари жалб қилинган.

ПРОФИЛАКТИКА
ИШЛАРИ КУЧАЙМОҚДА

Ойлик наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури доирасида ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил марказининг етакчи эксперти С. Жуманованинг айтишича, Ўзбекистон наркотикларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича халқаро ҳамжамият олдидаги ўз мажбуриятларини бажаришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Мамлакатимиз БМТнинг наркотик моддалар, психотроп моддалар ҳамда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияларига қўшилган. 1999 йилда Ўзбекистон Республикасининг "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди.

Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан трансмилий наркогурӯҳларнинг қонунга зид фаолиятини аниқлаш ва унга чек қўйиш, контрабанда каналларини ёпиш, гиёҳвандлик экинларини йўқ қилиш ва гиёҳвандлик илллати тарқалишининг олдини олиш бўйича махсус комплекс операциялар амалга оширилмоқда. Бу борада мунтазам ўтказиб келинаётган ва салмоқли натижа бераётган "Қорадори" операциялари давомида таркибида наркотик моддалар бўлган ўсимликларни етиштириш бўйича кўплаб ҳолатлар аниқланмоқда.

Мамлакатимизда қўлланилаётган амалиётга мувофиқ, судларда ашёвий далил сифатида кўрсатилган наркотик воситалар ҳукмлар кучга киргач, Наркотикларни назорат қилиш бўйича давлат комиссияси аъзолари томонидан барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари вакиллари иштирокида махсус ажратилган печларда ёқиб юборилмоқда. Катта миқдордаги бундай моддалар БМТ, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида йўқ қилинмоқда.

БМТнинг Марказий Осиёда наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг минтақавий ваколатхонаси Ўзбекистон наркобизнесга қарши кураш борасида халқаро фаолиятни мувофиқлаштиришда самарали ишларни амалга ошираётганини таъкидламоқда. Ҳар йили катта миқдордаги наркотик моддалар мусодара қилинмоқда ва ушбу йўналишда ижобий натижаларга эришилмоқда. Гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятлар камайиши кузатилмоқда.

Наркотик моддаларни ташувчилар ушбу "заҳри қотил"ни мева-сабзавотлар ичида, автотранспорт воситаларидаги хуфия жойларда, қўл юклари, маийши буюмлар, кийим-кечаклар орасида, инсон танаси, ҳатто ички аъзоларига яширган ҳолда олиб ўтишга уринмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси, Давлат божхона кўмитаси томонидан наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларни ноқонуний олиб ўтиш билан боғлиқ ўнлаб жиноятлар ҳамда фактлар аниқланди.

Ўзбекистон Республикасининг Наркотикларни назорат қилиш бўйича давлат комиссияси, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, бошқа ваколатли вазирлик ва идоралар ўз саъй-ҳаракатларини наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича аниқ мақсадли комплекс чора-тадбирлар, шунингдек, гиёҳвандлик илллати тарқалишининг олдини олиш, идораларро ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратмоқда. Бу борадаги профилактика ишлари кучайтирилмоқда.

Мазкур ойлик давомида, биринчи навбатда, наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган кенг қўламли тарғибот ишлари амалга оширилмоқда. Тошкент шаҳри, вилоятлар марказлари, йирик шаҳарларда таниқли артистлар, спортчилар, жамоат арбоблари иштирокида хайрия концертлари ўтказилмоқда. Ёшлар учун гиёҳванд моддаларни суиистеъмол қилишнинг ҳалокатли оқибатларига бағишланган туркум радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувлар эфирга узатилмоқда, газета ва журналларда мақолалар чоп этилмоқда. Кинотеатрларда гиёҳвандлик илллатининг зарари ҳақида ҳикоя қилувчи бадиий ва ҳужжатли фильмлар, махсус роликлар намоийш этилмоқда.

Айни вақтда маҳаллалар, болалар ёзги оромгоҳлари, клубларда профилактика мақсадларида суҳбатлар, маърузалар, давра суҳбатлари, савол-жавоб кечалари ўтказилмоқда. Шаҳар ва туманлар марказларида ушбу "заҳри қотил"га қарши курашга чорловчи баннерлар, плакатлар ва бошқа кўргазмали воситалар ўрнатилган.

В. НИКОЛАЕВ, ЎЗА.

МУҲИМИ: ФОЖИАГА
ЙЎЛ ҚЎЙМАЙЛИК!

Таъкидлаш жоизки, дунёнинг глобал муаммосига айланган гиёҳвандлик инсонлар соғлигига зарар етказиши билан бир қаторда, уларнинг турмуш тарзига ҳам таъсир қилаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Биламизки, гиёҳванд моддаларга героин, наша, кўкнори, кокаин, метадон ва бошқалар кирди. Ушбу заҳри қотилни қабул қилиш натижасида организмда психологик ҳамда жисмоний мойилликлар келиб чиқади. Гиёҳвандлик кўчасига кирган инсонлар руҳий мойилликда бўлиб, улар палатриш юришлари билан ташқи томондан ўзга одам эътиборини тортади.

Жисмоний мойиллик – асосан организмнинг гиёҳванд моддага бўлган мойиллиги ортиши ҳамда унинг иштирокисиз организм нормал фаолият кўрсатмаслиги билан, шунингдек, доимий гиёҳвандлар ўз



вақтида моддаларни қабул қилмасалар, уларда оёқ-қўл бўғимлари ва мушакларда кучли оғриқ, бош оғриғи, уйқусизлик, овқат ҳазм қилиш, юрак қон-томир, нафас олиш аъзолари тизимлари фаолиятининг бузилиши, тез-тез ич кетиши ҳамда қаттиқ қўрқув белгилари кузатилади. Бу белгилар гиёҳванд моддаларни қабул қилгандан кейин, тезда исиз йўқолади. Гиёҳванд моддани сурункали истеъмол қилиш натижасида организмда жисмоний мойилликнинг кучайиши ва шаклланиши вужудга келиб, инсон ўзини бошқара олмайди. Эндликда қабул қиладиган гиёҳванд моддаларни ўзининг яхши кайфиятда бўлиши учун эмас, балки шу моддаларсиз организмнинг нормал фаолият кўрсатмаслиги асосий сабаб ҳисобланади.

Ушбу заҳри қотилни истеъмол қилишда аёлларнинг ҳам иштирок этаётганлиги ачинарли ҳолдир. Айниқса, ҳомиладор аёл организм ва ҳомилага зарарли таъсири шундаки, ҳомила пайдо бўлган вақтдан бошлаб, 70 кунгача жуда нозик ҳисобланади, чунки бу вақтда унинг аъзолари ва тўқималари шакллана бошлайди, бу эса ҳар қандай салбий таъсир туғма нуқсонлар пайдо бўлишига сабаб (ҳомиланинг ўлик туғилиши, эрта тушиши, ақли заиф, мажрӯҳ чақалоқлар туғилиши) бўлади. Шунингдек, гиёҳванд моддаларни 1 та

шприц орқали 5-6 та одам томига юбориши натижасида ОИТС касаллигининг юзага келиши табиийдир. Гиёҳвандликка сурункали ружу қўйганларни даволаш айрим ҳолларда биз кутган натижани бермайди. Шунинг учун бу жирканч илллатнинг олдини олишда аҳоли орасида тарғибот ишларини кучайтиришимиз зарур.

Агар қўйидаги ҳолатларни оила аъзоларингизда кузатсангиз, демак у инсон гиёҳвандлик кўчасига кирган бўлади:

- кутилмаганда хурсандчиликдан кайфиятнинг тушиши;
- ноодатий ўзгаришлар, кутилмаганда жahl чиқиши ёки ҳаддан ташқари кўп гапириш кузатилади;

- хулқнинг яширин ўзгариши, ёлғон гапириши, борган жойларини сир тутиши, болаларда дарсга бормаслик, фанларда ўзлаштиришнинг пасайиши, озиб кетиши, ҳар хил доғ ва ҳидларнинг тана ҳамда кийимларда пайдо бўлиши, тез-тез кўзлар қизариши, кўз қорачигининг қисқариши ёки кенгайиши, тушунарсиз гапириши;
- уйдан пул ёки қимматбаҳо нарсаларнинг йўқолиши, ота-онасидан керагидан ортиқча пул талаб қилиши. Сизга таниш бўлмаган ва олдин учратмаган ўсимликлар, кукун, капсула, игна ва шприцларнинг пайдо бўлиши.

Гиёҳвандлик ҳозирги кунда ёшлар ҳаётига хавф солаётган жиддий ва глобал муаммоларга айланиб қолмоқда. Унга ружу қўйиш ёшлар ҳаётига, шунингдек, у кўп давлатларда терроризм, кўпуровчилик ва бошқа бир неча ишлар амалга ошишига сабаб бўляпти. Гиёҳвандликнинг ёшлар ҳаётига хавф солишига қарши курашиш, бунга барчани жалб қилиш ҳамда «Биз соғлом турмуш тарзи тарқатдимиз» каби широнли барчанинг ҳаётида ажралмас қисм-

Шундай экан, келинг соғлом турмуш тарзини яратайлик ва яратишга кўмаклашайлик. Зеро, бу касалликлар бизнинг ҳаёт тарзимизда ўз аҳамиятини йўқотсин.

Азизбек НИЗАМОВ,
Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали бўлим бошлиғи.



жиззакилик, хулқнинг ўзгариши, кундалик иш фаолиятининг секинлашуви, беқарорлик кабилар унинг дастлабки белгиларидир. Бу касалликнинг кечишида гиёҳванд моддага чидамликнинг ошиши, уни истеъмол қилиш бирдан тўхтатиб қўйилганда, ҳумор тутганда, тез-тез йўтал пайдо бўлиши, оёқ-қўл бўғимларининг зирқираб оғриши, кўз қорачигининг кенгайиб кетиши, ич кетиш кабилар билан белгиланади. Вақт ўтган сайин, заҳира ҳам тугаб борган сари турил жинорий ва хунук ишларга қўл уради. Одамийлик қиёфасини йўқотади, руҳан носоғлом бўлади. Иш жойида обрў-эътибордан ажралади. Нима қилишга ҳатто ақли ҳам етмай қолади. Унинг учун сўнги чора бўлиб кўринган жиноятга қўл уради. Бу билан у ўзига ҳам, бошқаларга ҳам зиён келтириб охири оқибатда жамиятда бегона бир шахсга айланади.

Гиёҳвандликнинг одам соғлиги ва ҳаётига хавф соладиган салбий томонлари – ОИТС, заҳм, вирусли гепатит, қандли диабет ва сил касалликлари ҳам келтириб чиқаради.

Соғлом турмуш тарзи

«ГИЁҲВАНДЛИК ЖИРКАНЧ ИЛАТ»

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, гиёҳвандликка қарши кураш борасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳам самарали ишлар олиб борилмоқда.

Айниқса, Республика саломатлик ва тиббий статистика институти ҳамда унинг вилоят филиаллари томонидан аҳоли орасида тарғибот ва ташвиқот ишлари кенг қўламли давом этмоқда. Шу билан бирга, мактабгача тарбия

муассасалари, мактаб, маҳалла, коллеж ва олий ўқув юртларида «Гиёҳвандлик жирканч илат» мавзусида тадбирлар ўтказиб келинаётганлиги ҳам ёшларни ҳар томонлама хушёр бўлишга ундамоқда. Бундан ташқари, институт ва унинг

филиаллари ҳамкорлигида муҳим мавзуларда буклет ва видеороликлар тайёрланиб, аҳолига тарқатилмоқда. Яна шуни унутмаслигимиз муҳимки, ҳар бир касалликни, қолаверса, зарарли одатларнинг олдини олиш кўпроқ ўзимизга боғлиқ эканлигини ҳамда бу борада ҳамкорликда фаолият юритишимиз муҳимдир.

Муҳаррам БОЗОРОВА.

Медицинские учреждения страны

МЕЧТЫ СКОРО СБУДУТСЯ

Рядом с главным зданием Республиканского специализированного центра хирургии имени академика Вахидова несколько лет стоял недостроенный четырехэтажный корпус. Ныне здесь вовсю развернулось строительство, по окончании его тут разместится кардиохирургический блок, который увеличит возможности этого крупнейшего медицинского учреждения Узбекистана по спасению жизни и здоровья людей благодаря хирургическому таланту докторов.

Для того, чтобы давняя мечта осуществилась, был принят соответствующий документ, и он, как говорится, придал стройке нужную скорость. В целом предстояло освоить 25 миллиардов сумов на строительные и отделочные работы, а также установить новейшее высокотехнологичное современное медицинское оборудование для проведения точнейшей диагностики и операций на двадцать шесть миллионов долларов. Вот такой щедрый дар из бюджета республики на борьбу с болезнями, мешающими полноценно жить и работать.

Заинтересованные специалисты все чаще заглядывают сюда, отмечая все новые перемены к лучшему: ведь многим из них предстоит тут работать уже в этом году. А что уж говорить о руководителях Центра хирургии, которые вместе со своим коллективом давно задумывались о подобных реалиях, продиктованных жизнью: статистика говорит о том, что в специальном оперативном вмешательстве нуждается большее количество людей, чем может обеспечить данная клиника. Вот потому внимание ру-

ководителей всех рангов ни на минуту не ослабевает, но это не просто ожидание, а деятельный и постоянный контроль за ходом работ на этом объекте.

При этом надо отметить, что и в нынешнем Центре хирургии есть все необходимое оборудование, оно постоянно обновляется. Главное же – есть прекрасные специалисты, которые с энтузиазмом идут по пути своего призвания. Только один пример: при содействии итальянских коллег тут освоили операции пациентов с врожденным пороком сердца, которым от роду три-пять лет. Со временем, по утверждению руководителя соответствующего отделения, кандидата медицинских наук Хакимжона Кабулжоновича Абролова, этот возрастной ценз тоже может быть снижен. Чем раньше будет исправлен врожденный недостаток «моторчика», тем меньше будет негативных последствий от его сбоя в работе и будет он исправно качать кровь, насыщая мозг и все другие органы кислородом. Так вот: в новом кардиологическом блоке (собственно говоря, его можно назвать даже кардиологическим центром, ибо тут запланировано четыре отделения) будет

десять мест для таких детишек. И если ежегодно сейчас оперируется с врожденными пороками сердца 100-120 малышей, то теперь эта цифра возрастет вдвое. Естественно, что рядом с операционной – помещение для интенсивной терапии, которая позволит находиться ребенку на больничной койке неделю или чуть больше. После чего он навсегда забудет о том недуге, который не позволял ему развиваться и расти полноценно.

На четвертом этаже также будут работать хирурги, проводящие коронарное шунтирование. Эта операция по расширению суженных, говоря по-простому, замусоренных склеротическими бляшками сосудов сейчас применяется весьма успешно. Выделено для таких больных двадцать мест. От подготовки и проведения операции до восстановления пациента нужно будет всего несколько дней.

Подсчитайте, сколько же всего за год будет буквально ослезливлено людей возвращением к возможности дышать полной грудью, не задыхаясь, хватаясь за валидол, поднимаясь по лестнице... Еще одно отделение – рентгеноэндovasкулярная хирургия и четвертое – для пересадки почек.

Работа идет быстрыми темпами, уже завозится заказанное оборудование от ведущих европейских фирм-производителей. Совсем скоро приедут специалисты по его установке, они же будут обучать ташкентских коллег работе на нем и обслуживанию.

Что же касается непосред-



ственно медперсонала, то его начали готовить загодя. Как рассказал первый заместитель директора центра профессор Юрий Иванович Калиш, заранее в ведущие клиники Малайзии, Франции, России, Италии, Германии, где уже работают на таком современном оборудовании, были отправлены кардиохирурги, анестезиологи, реаниматоры, старшие медсестры, прошедшие там стажировку. Они составят костяк коллектива по высочайшему медицинскому обслуживанию. Естественно, что выбор был сделан в пользу лучших еще и потому, что именно они смогут обучать своих более молодых коллег премудростям новой техники, методов, использованию новейших материалов. Как планировалось, а можно сказать, и мечталось, этот кардиологи-

ческий центр должен стать эталоном хирургических возможностей современной медицины не только в Узбекистане, но и в соседних республиках СНГ. Может это не совсем верное определение, но все же подругому сказать трудно: для специалистов-медиков открытие его будет, несомненно, праздником, который сменится рядовыми буднями. Но согласитесь, что каждый поправивший свое здоровье пациент – это тоже частица этого хорошего настроения. И его самого, и тех, кто помог ему преодолеть страдания. Ждать осталось совсем недолго, и пусть сбудутся все надежды, которые хирурги смогут осуществить, неся свою ответственную миссию.

Н. ВЕТКАСОВА.

Здоровое поколение – будущее родины

Обеспечение безопасного материнства является одним из приоритетных направлений государственной политики в Узбекистане. В этой связи Правительством республики реализуется ряд крупномасштабных Государственных программ, направленных на укрепление здоровья женщин, рождение и воспитание здорового поколения, повышение медицинской культуры в семье.

Признавая основные права женщин и семейных пар на свободное и ответственное принятие решений о рождении ребенка, государство обеспечивает их необходимыми услугами для формирования здоровой семьи, в рамках которых осуществляется бесплатное обеспечение всеми современными видами контрацептивных средств. До 1990 года в Узбекистане основным методом предупреждения нежелательной беременности были аборты. Ежедневно более 6% женщин фертильного возраста избавлялись от нежелательной беременности. За период с 1991-2011 гг. в республике общий уровень абортов снизился более чем в 5 раз, и на протяжении ряда лет не регистрируются случаи криминальных абортов.

Основные направления охраны репродуктивного здоровья отражены в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 13 апреля 2009 года «О дополнительных мерах по охране здоровья матери и ребенка, формированию здорового поколения» и «Программе мер по дальнейшему усилению и повышению эффективности проводимой работы по укреплению репродуктивного здоровья населения,

рождению здорового ребенка, формированию физически и духовно развитого поколения на 2009-2013 годы». Реализация мероприятий в рамках указанных программ позволила за три года увеличить охват и доступность различных средств контрацепции среди женщин самых отдаленных регионов страны. На современном этапе население республи-

ЗДОРОВАЯ МАТЬ – ЗДОРОВЫЙ РЕБЕНОК

ки ознакомлено с действием различных методов предупреждения беременности: внутриматочных спиралей (ВМС), гормональных как оральных, так и инъекционных контрацептивов и методов, когда супружеские пары осознанно решаются на добровольную хирургическую стерилизацию (ДХС). Основные требования, предъявляемые к современным контрацептивам, это высокая эффективность, минимум побочных эффектов, влияющих на организм женщины, простота, доступность.

Согласно исследованиям, проведенным в Узбекистане международными организациями (ВОЗ, ЮНИСЕФ, ЮНФПА), 90,9% всех женщин репродуктивного возраста знакомы с современными средствами контрацепции. Наиболее известными методами являются внутриматочные спирали, оральные таблетки, инъекции. Если в 1991 году постоянно использовали те или иные виды контрацептивных средств только 13% женщин фертильного возраста, то к концу

2011 года их число составило уже более 67%. Распространенность использования контрацептивов практически одинакова в сельской (69%) и городской (66%) местностях. Особенно важно отметить увеличение использования средств контрацепции среди женщин 20-30 лет, возраста с наиболее высоким показателем рождаемости. В 2011

году самым распространенным методом предупреждения нежелательной беременности стала внутриматочная спираль, которой пользуются до 65,6% женщин фертильного возраста, и гормональные контрацептивы (оральные таблетированные и инъекционные контрацептивы) – 27,2% женщин, добровольной хирургической контрацепцией пользуются 7,2% женщин. Добровольная хирургическая стерилизация (ДХС) является распространенным в мире методом контрацепции.

В Узбекистане в последние годы благодаря применению высокотехнологического оборудования (лапароскопический метод), использованию местной анестезии с незначительным седативным действием, усовершенствованию хирургической техники и повышению квалификации медицинского персонала использование ДХС выросло с 3,3% (2000 г.) до 7,2% (20011 г.).

Прошедший в ноябре 2011 года Ташкентский международный симпозиум с

участием Генерального директора ВОЗ М.Чен, руководителей ЮНИСЕФ, ЮНФПА и многих других авторитетных международных организаций, с принятием Резолюции симпозиума еще раз показал, что Национальная модель охраны материнства и детства в Узбекистане может служить образцом для многих стран не только региона, но и мира. Система здравоохранения Узбекистана была высоко оценена международной организацией «Save the children» («Спасем детей»), специализирующейся на защите прав детей, 6 сентября 2011 года данная организация опубликовала доклад под названием «Индекс охватности работниками здравоохранения» («Health Workers Reach Index»), в котором проанализирована ситуация с системой охраны детского здоровья в 161 стране, исходя из следующих трех критериев:

- 1) количество медицинских работников;
- 2) количество детей, принимающих по три дозы вакцины от дифтерии, коклюша и столбняка;
- 3) общий коэффициент детской рождаемости.

Узбекистан занял в рейтинге девятое место, опередив Германию (10-ое место), Россию (11), Францию (12), Великобританию (14), США (15) и Латвию (41). В десятке стран с наилучшими показателями семь европейских государств – Швейцария (1-ое место), Франция (2), Ирландия (3), Норвегия (4), Белоруссия (5), Дания (6), Швеция (7), а также Куба (8).

Эльвира МАРКАЕВА,
директор Ташкентского
городского филиала Института
здоровья и медстатистики.

Тадбир

МАГИСТРЛАР
ҲАЯЖОНИ ЧЕКСИЗ

Шу кунларда юртимиздаги барча олий ўқув юрталарида битирувчиларга магистр даражаси дипломини топшириш маросимлари ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Тошкент тиббиёт академиясида ҳам бўлиб ўтди.

Тадбирни Тошкент тиббиёт академияси ректори Шавкат Каримов кириш сўзи билан очиб, битирувчиларни халқимиз саломатлиги йўлида масъулият билан шифокорлик қасамёдига содиқ қолган ҳолда меҳнат қилишларига юксак ишонч билдириб, уларга мутахассисликлари бўйича магистр даражаси дипломини топширди.

Таъкидлаш жоизки, олийгоҳда магистрларнинг билим олишлари ва илмий фаолият олиб боришлари учун барча имкониятлар яратилган. Бугунги кунда катта фондга эга бўлган ахборот-ресурс маркази, замонавий амалиёт лабораториялари ва маъруза матнлари билан бойитилган электрон кутубхона магистрлар хизматида. Бундан таш-

қари, интернет тизимидан кенг фойдаланиш ҳам йўлга қўйилган. Магистрларнинг хорижий клиникалар билан ўзаро алоқалари нафақат уларнинг касб малакасини, балки тажриба салоҳиятини ҳам оширмоқда. Ҳатто уларнинг бу йилги магистрлик диссертациялари Давлат аттестация комиссияси то-

монидан юқори даражада баҳоланганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Ана шундай мақтов ва эътирофга сазовор бўлган академиянинг кўз касалликлари кафедраси магистрлари ҳам таҳсил олиш баробарида олийгоҳнинг профессор-ўқитувчилари Фазилат Бахритдинова, Эркин Билолов, Нодира Янгиева, Муяссар Каримова ва бошқа тажрибали устозлардан тиббиётнинг сиру синотлари, назарий ва амалий билимларини мукамал ўргандилар. Эндиликда улар катта ҳаёт



остонасида турибдилар. Уларнинг юз-кўзларидаги ҳаяжон ва келажакка бўлган ишонч ягона мақсадга, яъни халқимизнинг саломатлиги йўлида астойдил хиз-

мат қилишга қаратилгандир. Академияни тамомлаган битирувчилар орасида таҳсил олиш баробарида мустақкам оила бошлиги, сеvimли фарзандлар ота-онаси бўлган талабалар ҳам талайгина. Димлом топшириш маросимида магистрларнинг ўз оила аъзолари ҳам бугунгидек шодиёна онларини бирга нишонлаб, кечага янада кўтаринкилик бахш этдилар. Асосийси, мамлакатимиз келажаги йўлида, Ватан равнақи, халқ тинчлиги, юрт фаровонлигида ўз касбий малакасини намоён этадиган шифокорларимиз сони яна бир нечтага кўлайди.

Дилрабо ЖУМАТОВА.



УСТОЗЛАРДАН МИННАТДОРМИЗ

Манзура Рўзметова, Искандар Расулов:

– Биз ушбу даргоҳда 10 йил давомида таълим олиш билан бирга, азиз устозларимизнинг берган ўғитларидан ҳам маънавий, ҳам касбий кўникмаларга эга бўлдик. Албатта, ўн йил бу қисқа мuddат эмас, ўтган вақт орасида шифокорнинг бемор олдидаги вазифаси, муомала-маданияти, касб масъулияти каби хислатларни ўргатган барча профессор-ўқитувчиларимиздан миннатдоримиз. Мустақил Ўзбекистоннинг тиббиёт ривожини йўлида ўз хиссамизни қўшишга, малакали шифокор бўлишга ҳаракат қиламиз.

Объявление

КОНСАЛТИНГ НА ЗАКУПКУ
МЕДИЦИНСКОГО ОБОРУДОВАНИЯ

Срок подачи заявок: **23 июля 2012 года**

Страна: Узбекистан
Программа «Борьба с туберкулезом VI» – BMZ 2009 65 889.

Программа «Кардиологический центр» – BMZ 2009 67 018.

Пост-квалификация/Тендер.

Кас.: Международные открытые торги на предоставление консалтинговых услуг в рамках Программы «Борьба с туберкулезом VI» и Программы «Кардиологический центр».

Исполнитель: Министерство здравоохранения / Отдел координации инвестиционных проектов (Республиканский научно-практический специализированный медицинский центр фтизиатрии и пульмонологии и Республиканский специализированный центр кардиологии соответственно).

Мероприятия: Тендер включает в себя две программы (2 источника финансирования): (а) Программа «Борьба с туберкулезом – VI» (грант ФС): оборудование для радиологического, операцион-

ного, диагностического отделения, консалтинговые услуги по оценке потребностей и государственному закупкам; (б) Программа «Кардиологический центр» (кредит ФС): рентгеновское оборудование, оборудование для диагностики сердечно-сосудистых заболеваний, оценка потребностей, а также государственные закупки.

Услуги консультанта:

Консорциум консультантов будет содействовать Министерству здравоохранения в реализации двух программ, которые предусматривают закупку медицинского оборудования по двум отдельным публичным тендерам, специализированные консалтинговые услуги, оценку потребностей и повышение квалификации.

Квалификационные документы и фактические тендерные предложения (2) будут подаваться одновременно в трех (3) отдельных конвертах (трехконвертная процедура), предпочтительно по двум программам для достижения синергии, экономии и рационального расходования. Во время первого публичного заседания будут открываться и изучаться

только квалификационные документы на предмет их комплектности и выполнение квалификационных критериев. Квалификация опытных консультантов и оценка технических и финансовых предложений будут проходить согласно последней версии «Руководства по назначению консультантов по проектам финансового сотрудничества» (см. на главную страницу KfW development bank www.kfw-entwicklungsbank.de). Оно предусматривает предоставление услуг независимого международного консультанта, имеющего опыт работы в области медицинской техники/управлении клиническими технологиями, закупок, обучения, контроля качества, а также управления проектом и опыт работы в стране/регионе с минимальным годовым оборотом в 0.5 млн. евро. Тендерную документацию и дальнейшую информацию можно получить у тендерного Юргена Хорнера, тел: (+49-6201) 290-95-66, факс: (+49-3222) 371-18-94, E-mail: j_hoerner@t-online.de

Спорт

ВЕЛОМАРАФОН –
ПРАЗДНИК ЗДОРОВЬЯ

В Ташкенте прошел веломарафон, посвященный Году семьи. Стартовал он на площади имени Алишера Навои. Это был настоящий праздник для любителей этого спорта, способствующий популяризации экологически чистого и полезного для здоровья транспорта, пропаганде здорового образа жизни среди населения, а также развитию велоспорта в республике.

В нем приняли участие как малыши, так и ветераны спорта – Сергей Борисович Лагутин и все желающие.

Данное мероприятие организовано Ташгорсоветом объединения профсоюзов, управлением по делам культуры и спорта, городским филиалом фонда развития детского спорта и федерацией велоспорта.

Алексей ПОПОВ.
Фото автора.

Газета

муассиси:

Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир Анвар АЛИМОВ

Нашр учун масъул

Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «!» шартли белгиси қўйилади.

Манзилмиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.Адади 9745 нусха.
Буюртма Г-645.Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ. Навбатчи Владимир ПОЖОГИН.
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

